

Х У К М(дан кучирма)

2021 йил ноябрь ойининг 25 куни, Тошкент шаҳар жиноят ишлари бўйича Чилонзор туман суди, ўз биносида, очик суд мажлисида, судья О.Мухаммадиевнинг раислигида, судья ёрдамчиси Э.Усмоновнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Чилонзор туман прокурорининг ёрдамчиси Ш.Ўткиров, судланувчи Р.Ганиев ва унинг химоячиси адвокат Ш.Вахабовлар иштирокида, Ганиев Ровшан Рустамовичга оид 1-1006-2104/544-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш хужжатларга кўра:

Ганиев Ровшан Рустамович, 1972 йил 24 сентябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, икки нафар фарзанди бор, «TERMO LUX PLYUS» МЧЖ норасмий раҳбари, муқаддам судланган:

1. ЖИБ Юнусобод туман судининг 1998 йил 26 январдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддаси 2-қисми билан 2 йил муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланиб, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1997 йил 3 декабрдаги “..амнистия тўғрисида”ги Фармонида асосан жазодан озод қилинган;
2. ЖИБ Юнусобод туман судининг 2003 йил 29 августдаги ҳукмига кўра, ЖК 189-моддаси 2-қисми билан жарима жазоси тайинланган;
3. ЖИБ Янгийўл шаҳар судининг 2008 йил 20 июндаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддаси 2-қисми билан энг кам ойлик иш ҳақининг 150 баравари, яъни 2.328.750 сўм жарима жазоси ва ЖК 45-моддасига асосан 1 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган;
4. ЖИБ Чилонзор туман судининг 2009 йил 12 октябрдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 28,179-моддаси, 28,184-моддаси 3-қисми, 28,189-моддасининг 3-қисми билан ЖК 59,60-моддаларига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 301 баравари, яъни 8.440.040 сўм жарима жазоси ва ЖК 45-моддасига асосан 2 йил 2 ой муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган;
5. ЖИБ Чилонзор туман судининг 2010 йил 5 февралдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 180-моддаси 1-қисми, 184-моддаси 3-қисми, 189-моддасининг 3-қисми билан ЖК 59,60-моддаларига асосан энг кам ойлик иш ҳақининг 305 баравари, яъни 5.682.150 сўм жарима жазоси ва ЖК 45-моддасига асосан 2 йил 2 ой муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилинган;
6. ЖИБ Юнусобод туман судининг 2011 йил 30 майдаги ҳукмига кўра, ЖК 189-моддаси 3-қисми, 205-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 228-моддаси 2-қисми “а,б” бандлари, 227-моддаси 2-қисми “а” банди ва 207-моддаси 1-қисми билан ЖК



59,61-моддалари, 59-моддасининг 8-қисмига асосан ойлик иш ҳақининг 25 фоизини давлат фойдасига ушлаб қолиш шarti билан 2 йил 6 ой муддатга ахлоқ тузатиш ишлари жазоси, энг кам ойлик иш ҳақининг 450 баравари миқдорида, 22.380.750 сўм жарима, 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган;

7. ЖИБ Тошкент шаҳар судининг 2014 йил 27 майдаги ҳукмига кўра, Ўзбекистон Республикаси ЖК 167-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 168-моддаси 3-қисмининг “а,в” бандлари, 177-моддаси 3-қисмининг “а,б” бандлари, 178-моддасининг 3-қисми, 179-моддаси, 182-моддаси 2-қисмининг “в” банди, 184-моддасининг 3-қисми, 188-моддасининг 3-қисми “а,б” бандлари, 189-моддасининг 3-қисми, 190-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 209-моддаси 2-қисмининг “а,б” бандлари, 223-моддаси 2-қисмининг “б” банди, 227-моддаси 2-қисмининг “а” банди ва 243-моддаси билан билан ЖК 59-моддасининг 8-қисми ва 61-моддасига асосан 2 йил 11 ой 12 кун муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 11 йил 11 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, 18.10.2013 йилдан камокда сақланган, жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар суди кассация инстанциясининг 2018 йил 19 январдаги ажримига кўра, ҳукмдаги айблов ва жазо ўзгартирилиб, ЖК 60,61-моддаларига асосан 3 йил муддатга муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиниб, 8 йил 3 ой муддатга озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланган, Тошкент шаҳар, Чилонзор тумани, Хосилот 2-тор кўчаси, 39-уйда истиқомат қилувчи, иш бўйича гаров эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нухасини олган,

Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисми билан айбланган.

Суд, судланувчи ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши хужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

--

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 463,466-468, 471,473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И :

Ганиев Ровшан Рустамович Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 3-қисми ва 189-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятларни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Ганиев Ровшан Рустамовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддасининг 3-қисми билан юритилган иш хужжатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.



Ганиев Ровшан Рустамовичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖК 189-моддасининг 1-қисми билан юритилган иш ҳужжатлари Ўзбекистон Республикаси ЖК 70-моддасига асосан жазодан озод қилинсин.

Ҳукм қонуний кучга киргач, судланувчи Р.Ганиевга нисбатан қўлланилган “гаров” эҳтиёт чораси бекор қилинсин ва Тошкент шаҳар прокуратураси депозит ҳисоб рақамига топширилган 5.000.000 сўм гаров пуллари унинг ўзига қайтарилсин.

Судланувчи Р.Ганиев томонидан етказилган зарарни қоплаш учун Тошкент шаҳар прокуратураси депозит ҳисоб рақамига 2021 йил 30 август куни топширилган 140.250.000 сўм пуллар Чилонзор тумани Давлат солиқ инспекцияси орқали давлат фойдасига ундирилсин.

Ҳукм устидан тарафлар ҳукм эълон қилинган кундан эътиборан йигирма сутка ичида, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, апелляция тартибида Тошкент шаҳар судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят ёки протест бериши мумкин.

Раислик қилувчи судья:

О.Мухаммадиев

Маъсул судья: Мухаммадиев Отабек Исламович

